

Оферта

(олди-сотди шартномаси)

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри

Ушбу таҳрирда оферта жойлаштирилган сана: 2026 йил 27 январь

Оферта кучга кириш санаси: 2026 йил 27 январь

Кейинги ўринларда «Сотувчи» деб аталувчи «Май Равенол» ИП МЧЖ, Устав асосида фаолият юритувчи директор Шевчук И.Ю. номидан, ушбу оммавий оферта орқали олди-сотди шартномасини тузишни таклиф қилади. Ушбу офертани акцепт қилган ҳолда, кейинги ўринларда «Харидор» деб аталувчи Сиз, ушбу офертада белгиланган шартлар, тартиб ва ҳажмда олди-сотди шартномасини тузасиз. Қуйида матн давомида Сотувчи ва Харидор биргаликда «Томонлар» деб аталади ва улар қуйидагилар ҳақида ушбу олди-сотди шартномасини (кейинги ўринларда «Шартнома») туздилар:

Атама ва таърифлар

Акцепт — Харидор томонидан Шартнома шартларининг тўлиқ ва сўзсиз қабул қилиниши.

Баланс — Харидор ва Сотувчи ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар ҳолати.

Буюртма — Харидор томонидан танланган Товар бўлиб, унда каталог рақами, ишлаб чиқарувчи, миқдори, нархи ва ассортимент кўрсатилади.

Таклиф — товар, унинг нархи, миқдори ва етказиб бериш муддати тўғрисидаги маълумот.

Сайт — Сотувчининг сайти <https://shop.ravenol.uz/>

Оферта шартларига розилик — Харидор томонидан етказиб берилаётган товар учун тўлов амалга оширилгани факти.

1. Шартнома предмети

1.1. Сотувчи ушбу Шартнома шартларига мувофиқ товарни Харидор мулкига топшириш мажбуриятини олади, Харидор эса товарни қабул қилиш ва унинг ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Ушбу офертанинг сўзсиз Акцепти деб етказиб берилаётган, сотилаётган товар учун 100% олдиндан тўлов амалга оширилган ҳолат ҳисобланади. Харидор олдиндан тўловни амалга ошириш пайтида ушбу Шартнома шартлари билан танишганини ва уларни сўзсиз қабул қилганини, шунингдек товар нархлари билан танишганини қафолатлайди. Харидор Шартномада ва сайтда баён этилган барча шартларни қабул қилади ва уларга ўз розилигини билдиради. Бундан ташқари, Харидор Сотувчи сайтида эълон қилинган товар тавсифи, товарга буюртма бериш тартиби ҳамда Сотувчи томонидан товарни етказиб беришнинг бошқа шартлари билан танишганини тасдиқлайди ва ушбу Шартнома шартларини бажариш жараёнида Сотувчи ушбу маълумотларга таяниш ҳуқуқига эга эканлигига ўз розилигини беради.

1.3. Харидор томонидан товарлар нақд пулсиз шаклда тўланган тақдирда (банк тўлов карталари орқали тўловлар бундан мустасно), Сотувчи товар топширилганлигини захираларни ташқи томонга чиқариш бўйича накладной ёки товарни топшириш-қабул қилиш далолатномасини расмийлаштириш орқали тасдиқлаши шарт.

1.4. Шартнома Сотувчи томонидан Харидорга товар учун тўловни тасдиқловчи ҳужжат берилган пайтдан ёки Сотувчи Харидорнинг товар харид қилиш нияти тўғрисидаги хабарни олган пайтдан эътиборан тузилган ҳисобланади. Шу пайтдан бошлаб, Сотувчида Шартномада белгиланган тартиб ва муддатларда товарни топшириш бўйича тегишли мажбуриятлар юзага келади.

1.5. Сотувчи сайтида рўйхатдан ўтиш ва кейинчалик конклюдент ҳаракатларни амалга ошириш, яъни Сотувчи сўровига жавобан рўйхатдан ўтиш вақтида Харидор томонидан кўрсатилган

электрон почта манзили ва телефон рақамини тасдиқлаш орқали, Харидор куйидагиларни тасдиқлайди:

— рўйхатдан ўтиш пайтида Харидор томонидан ишончли маълумотлар, яъни фамилия, исм, отасининг исми ёки ташкилот номи кўрсатилган;

— Харидор рўйхатдан ўтишда кўрсатилган SIM-карта рақамининг эгаси ҳисобланади ва ушбу рақамга ҳамда ушбу рақамдан Харидорни идентификация қилиш мақсадида SMS хабарлар юборилади ёки;

— рўйхатдан ўтишда кўрсатилган, Харидорни идентификация қилиш мақсадида SMS хабарлар юбориладиган ва қабул қилинадиган телефон рақамига бириктирилган SIM-карта эгаси (агар Харидор SIM-карта эгаси бўлмаса) ушбу телефон рақамидан бундай ҳаракатларни амалга ошириш учун фойдаланишга ўз розилигини берган.

Агар Харидор нотўғри электрон почта манзилини кўрсатган бўлса, электрон почтани кўриб чиқмаса ёки электрон почта манзили ўзгаргани ҳақида Сотувчини хабардор қилмаган бўлса, хабарнома Харидор томонидан олинган деб ҳисобланади.

1.6. Харидор куйидаги маълумотларни йиғиш, узатиш ва сақлашга шахсан ва ихтиёрий равишда ўз розилигини берганини тасдиқлайди: Ф.И.О., шахсни тасдиқловчи асосий ҳужжат маълумотлари, туғилган сана, манзил, телефон рақами, электрон почта манзили (биргаликда «шахсий маълумотлар») — товар етказиб беришда кейинчалик идентификация қилиш мақсадида.

Харидор шахсий маълумотларни сақлаш муддати чекланмаганлиги билан танишганини тасдиқлайди; шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Шахсий маълумотлар ва уларни ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, Харидор куйидаги ҳуқуқларга эга эканлиги билан танишган:

— агар шахсий маълумотлар тўлиқ бўлмаса, эскирган, ишончсиз, қонунга ҳилоф равишда олинган ёки маълум қилинган ишлов бериш мақсадлари учун зарур бўлмаса, ўз шахсий маълумотларини аниқлаштиришни, уларни блокклашни ёки йўқ қилишни талаб қилиш, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш чораларини кўриш;

— қайта ишланаётган шахсий маълумотларининг рўйхатини, уларнинг қискартирилган номланишини ҳамда олиш манбалари тўғрисидаги маълумотни талаб қилиш;

— шахсий маълумотларига ишлов бериш муддатлари, жумладан уларни сақлаш муддатлари тўғрисида маълумот олиш;

— илгари унга тегишли нотўғри ёки тўлиқ бўлмаган шахсий маълумотлар хабар қилинган барча шахсларни ушбу маълумотларга киритилган истиснолар, тузатишлар ёки қўшимчалар ҳақида хабардор қилишни талаб қилиш;

— шахсий маълумотларига ишлов беришдаги қонунга ҳилоф ҳаракатлар ёки ҳаракатсизлик устидан шахсий маълумотлар субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ваколатли органга ёки суд тартибида шикоят қилиш;

— ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, шу жумладан суд тартибида етказилган зарарни қоплаш ва (ёки) маънавий зиён учун компенсация талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Харидор шахсий маълумотлар амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ ваколатли давлат органларининг тегишли сўрови асосида тақдим этилиши мумкинлиги билан танишганини тасдиқлайди.

Харидор шахсий маълумотлар унинг розилигисиз тарқатилмаслиги ва учинчи шахсларга берилмаслиги (амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ ваколатли давлат органларининг сўровларига жавоб бериш ҳолатлари ҳамда банк картаси орқали амалга оширилган тўловни қайта ишлаш мақсадида шахсий маълумотларни процессинг марказига тақдим этиш ҳолатлари бундан мустасно) билан танишганини тасдиқлайди. Тақдим этилаётган шахсий маълумотлар фақатгина Шартномани тузиш ва унинг шартларини бажариш мақсадида фойдаланилади.

1.7. Товар Харидорга намуна асосида, Харидорни Сотувчи томонидан таклиф этилган товар тавсифи билан каталоглар, проспектлар, буклетлар, фотосуратлар, алоқа воситалари (почта,

телефон ва бошқалар) ёки Харидорга ушбу Шартномани тузиш пайтида товар ёки товар намунаси билан бевосита танишиш имкониятини истисно этувчи бошқа усуллар орқали таништириш асосида сотилади.

1.8. Товар тўғрисидаги маълумотларни, шу жумладан уни эксплуатация қилиш шартлари ва сақлаш қоидаларини, Сотувчи Харидорга товарнинг ўзида, товарга илова қилинадиган электрон ташувчиларда, товарнинг ўзида (товар ичидаги электрон платанинг меню бўлимида), идишда, қадокда, ёрликда, этикеткада, техник ҳужжатларда ёки Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган бошқа усуллар орқали тақдим этади.

1.9. Агар Харидор Сотувчига товар харид қилиш нияти тўғрисида хабар юборса, ушбу хабарда қуйидагилар мажбурий тартибда кўрсатилиши лозим:

харидорнинг ёки у кўрсатган шахснинг (олувчининг) фамилияси, исми, отасининг исми;
товарни етказиб бериш лозим бўлган манзил;
товарнинг номи;
артикули;
маркаси;
тури;
харид қилинаётган товар тўпламига кирувчи буюмлар сони;
товарнинг нархи;
хизмат тури (агар тақдим этилса);
уни бажариш вақти ва қиймати;

Харидорнинг мажбуриятлари.

1.10. Харидор тегишли сифатга эга бўлган товардан уни топширишга қадар исталган вақтда, товар топширилгандан кейин эса — 14 кун ичида воз кечиш ҳуқуқига эга.

Тегисли сифатга эга бўлган товарни қайтариш фақат у ишлатилмаган, унинг товар кўриниши, истеъмол хусусиятлари, пломбалар, ёрликлар сақланган, шунингдек товар харид қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжат мавжуд бўлган тақдирда мумкин.

Харидор индивидуал белгиланган хусусиятларга эга бўлган, фақат уни харид қилаётган Харидор томонидангина фойдаланилиши мумкин бўлган тегишли сифатдаги товардан воз кечиш ҳуқуқига эга эмас.

Харидор товардан воз кечган тақдирда, Сотувчи Харидор томонидан Шартномага мувофиқ тўланган суммани, товарни Харидорга етказиб бериш ва Харидор томонидан қайтарилган товарни ташиш бўйича Сотувчининг харажатларини ҳисобга олмаган ҳолда, Харидорга қайтариб беради.

1.11. Харидор томонидан тегишли сифатга эга бўлган товар қайтарилганда, накладной ёки товарни қайтариш тўғрисидаги далолатнома расмийлаштирилади, унда қуйидагилар кўрсатилади:

Сотувчининг тўлиқ фирма номи (номланиши);
Харидорнинг фамилияси, исми, отасининг исми;
товарнинг номи;
Шартнома тузилган сана ва товар топширилган сана;
қайтарилиши лозим бўлган сумма;
Сотувчи ва Харидорнинг (харидор вакилининг) имзолари.

2. Ишлаш шартлари

2.1. Харидор Сайтда рўйхатдан ўтиши, буюртма бериши ва товар учун тўловни амалга ошириши лозим.

2.2. Буюртма Сотувчи томонидан бажариш учун қабул қилинади.

3. Нарх ва тўлов шартлари

- 3.1. Товар нархи Сотувчининг расмий сайтида эълон қилинган прайс-листга мувофиқ белгиланади. Нархлар Ўзбекистон сўмида кўрсатилган бўлиб, ҚҚС суммасини, идиш ва/ёки қадоклаш қийматини ўз ичига олади.
- 3.2. Харидор Сотувчининг расмий сайтида эълон қилинган белгиланган нархлар билан танишганини ва уларга рози эканлигини қафолатлайди.
- 3.3. Хизматлар Сотувчи сайтида мустақил равишда танланган тўлов усули асосида, товарлар сонидан қатъи назар, олдиндан аванс тўлови тартибда тўланади.
- 3.4. Сотувчи товар нархларини ҳамда олди-сотди ва етказиб бериш шартларини (Шартнома тузилган пайтда амал қилувчи) бир томонлама тартибда ўзгартириш ҳуқуқига эга.
- 3.5. Тўлов Харидор томонидан Ўзбекистон сўмида Сотувчининг ҳисоб-китоб рақамига пул маблағларини ўтказиш йўли билан, шу жумладан тўлов тизимларидан ва/ёки банк тўлов карталаридан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.
- 3.6. Харидор ўзи амалга ошираётган тўловларнинг тўғрилиги учун мустақил равишда жавобгар ҳисобланади. Сотувчининг банк реквизитлари ўзгарган тақдирда, Сотувчи сайтида янги реквизитлар эълон қилинган пайтдан бошлаб, Харидор янги ҳисоб-фактурада кўрсатилган реквизитлардан фарқ қилувчи, эски реквизитлар бўйича амалга оширилган тўловлар учун мустақил равишда жавобгарликни ўз зиммасига олади.
- 3.7. Тўлов факти пул маблағлари Сотувчининг ҳисоб-китоб рақамига келиб тушганидан кейин тасдиқланган ҳисобланади.
- 3.8. Товарга чегирмалар белгиланган тақдирда, чегирмаларни тақдим этишнинг тўлиқ шартлари тегишли таклиф амал қилган пайтда Сотувчининг расмий сайтида кўрсатилади.
- 3.9. Шартнома бўйича тўлов санаси деб Харидор пул маблағлари ҳисоб-фактурада кўрсатилган сумма миқдорида Сотувчининг ҳисоб рақамига қирим қилинган сана ҳисобланади.
- 3.10. Товар учун тўлов тўлов ҳисоб-фактураси тақдим этилган пайтдан бошлаб бир календарь куни ичида амалга оширилиши лозим.

4. Етказиб бериш шартлари ва муддатлари

- 4.1. Етказиб бериш ҳисоб-фактурада кўрсатилган етказиб бериш муддати ичида амалга оширилиши лозим.
- 4.2. Етказиб бериш тури (почта орқали, курьерлик хизмати, транспорт компанияси орқали етказиб бериш, Сотувчи транспорти орқали етказиб бериш) ҳисоб-фактурада кўрсатилади ва фақат Томонларнинг ўзаро розилиги билан ўзгартирилиши мумкин.
- 4.3. Товар билан бирга ёки почта орқали Харидорга Сотувчи томонидан имзоланган товар ҳужжатлари топширилади: захираларни ташқи томонга чиқариш бўйича накладной ёки товарни топшириш-қабул қилиш далолатномаси (икки нусхада). Харидор товар бўйича накладной ёки далолатномани имзолаши ва ҳужжатнинг иккинчи нусхасини ушбу Шартноманинг 8.2-кичик бандида кўрсатилган почта манзилига, кўрсатилган ҳужжатлар олинганидан кейин 3 (уч) иш куни ичида, буюртмали хат орқали Сотувчига юбориши шарт.
- 4.4. Сотувчи Харидорни товар жўнатилгани ва тахминий етказиб бериш санаси ҳақида, Сотувчининг ихтиёрига кўра, оғзаки ёки электрон почта манзилига юбориладиган ёзма хабарнома орқали, етказиб бериш пайтидан камида 1 (бир) календарь кун олдин хабардор қилади. Хабарномада, шунингдек, товарни олиш учун зарур бўлган тўлиқ маълумотлар кўрсатилади.
- 4.5. Харидор товарни жўнатиш учун зарур бўлган тўлиқ маълумотларни Сотувчига тақдим этади: етказиб бериш манзили, алоқа телефонлари, товарни қабул қилиш учун масъул шахсларнинг лавозимлари, фамилиялари, исмлари, отасининг исмлари (агар товарни ишончнома асосида

ваколатли шахс қабул қилса), иш режими ва тақдим этилган маълумотларнинг ишончлилиги учун жавобгарликни ўз зиммасига олади. Етказиб бериш манзили ҳисоб-фактурада келишилган товарни етказиб бериш ҳудуди доирасидан ташқари чиқмаслиги лозим.

4.6. Харидор товарни қабул қилишни амалга оширишга мажбур.

4.7. Сотувчи, агар ҳисоб-фактурада бошқача шарт назарда тутилмаган бўлса, Харидор томонидан товар учун ҳисоб-фактура асосида тўлов амалга оширилгандан сўнг уч иш куни ичида ўз омборидан товарни жўнатишни амалга ошириши шарт.

4.8. Харидор Сотувчи ёки ташувчи (транспорт компанияси) томонидан етказиб берилганидан кейин 1 (бир) кун ичида товарни қабул қилишга (олишга), темир йўл станциясига ёки транспорт компаниясининг омборига, терминалига ва шу каби жойларга товар келиб тушганидан кейин эса уч кун ичида, курьер орқали етказиб бериш ҳолатида эса курьер ҳузурида 30 дақиқа ичида товарни қабул қилишга мажбур.

4.9. Сотувчи, агар ҳисоб-фактурада ёки Шартноманинг бошқа иловаларида бошқача шарт назарда тутилмаган бўлса, товарни етказиб беришни амалга ошириш учун учинчи шахслар (транспорт ташкилотлари, ташувчилар) хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

4.10. Товарни етказиб бериш бўйича харажатлар товар қийматига киритилади ва тўлов ҳисоб-фактурасида акс эттирилади.

4.11. Товарни етказиб бериш санаси деб товарни транспорт ташкилотига, ташувчига ёки товарни етказиб берувчи курьерга топширилган сана ҳисобланади, Харидор томонидан товар Сотувчи омборидан мустақил равишда олиб кетилган тақдирда эса етказиб бериш санаси деб накладной ёки далолатнома имзоланган сана ҳисобланади.

4.12. Товарга бўлган мулк ҳуқуқи, шунингдек унинг тасодифий ҳалок бўлиши ва шикастланиши хавфи товар Сотувчи томонидан транспорт ташкилотига, ташувчига ёки Харидорга товарни етказиб берувчи курьерга топширилган пайтдан бошлаб Харидорга ўтади, Сотувчи омборидан мустақил олиб кетиш ёки Сотувчи кучлари билан етказиб бериш ҳолатларида эса накладной ёки далолатномада кўрсатилган санага кўра ўтади.

4.13. Сотувчи етказиб берилаётган товар учун олдиндан тўлов амалга оширилмаган ҳолда товарни жўнатмаслик ҳуқуқига эга.

4.14. Агар товар Шартномада белгиланган муддатларда етказиб берилган бўлса, аммо Харидорнинг айби билан товар унга топширилмаган бўлса, кейинги етказиб бериш Сотувчи билан келишилган янги муддатларда, Харидор томонидан товарни етказиб бериш хизматлари қиймати қайтадан тўланганидан кейин амалга оширилади.

4.15. Товар етказиб берилган Харидор товарни кўздан кечиришга, товар сифати ва миқдорининг намунага ва (ёки) тавсифга, ушбу Шартноманинг бошқа шартларига мувофиқлигини текширишга ва товарни қабул қилишга мажбур.

5. Конфиденциаллик

5.1. Томонлар шу билан тасдиқлайдиларки, ушбу Шартномани тайёрлаш жараёнида, шунингдек ушбу Шартнома тузилгандан кейин улар ўртасида алмашиладиган ахборот махфий характерга эга бўлиб, Томонлар учун қимматли ҳисобланади ва ошкор этилиши мумкин эмас, чунки у хизмат ва/ёки тижорат сирини ташкил этади, учинчи шахсларга номаълумлиги сабабли ҳақиқий ёки эҳтимолий тижорат қийматига эга ҳамда унга қонуний асосда эркин кириш имконияти мавжуд эмас.

5.2. Ҳар бир Томон махфий ахборотнинг рухсатсиз ошкор этилишининг олдини олиш учун зарур ва мақсадга мувофиқ бўлган барча оқилона чора-тадбирларни кўришга мажбур. Бунда

қўриладиган чора-тадбирлар Томон ўзининг шундай турдаги шахсий ахборотини сақлаш учун қўллайдиган чора-тадбирлардан кам бўлмаслиги лозим.

5.3. Сотувчи Харидор тўғрисидаги маълумотларни фақат Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳолларда ошкор этиш ҳуқуқига эга.

6.Томонларнинг жавобгарлиги

6.1. Томонлар ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини лозим даражада бажаришлари шарт. Шартнома бўйича мажбуриятлар бузилган тақдирда, Томонлар ушбу Шартнома ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгар бўладилар.

6.2. Харидор ушбу Шартномада кўрсатилган кафолатлар ва мажбуриятларни бузиши натижасида солиқ текшируви бўйича юзага келган қўшимча ҳисобланган суммаларни Сотувчига қоплаб бериш мажбуриятини олади. Харидор томонидан ушбу суммаларни Сотувчига қоплаб бериш учун асос солиқ органининг камерал ёки сайёр текширув натижалари бўйича қабул қилинган қарори ҳисобланади. Бунда қопланиши лозим бўлган суммаларга солиқ органи қарорлари асосида текширув натижалари бўйича Сотувчи томонидан бюджетга тўланган барча суммалар, жумладан қарздорлик, пеня ва жарималар киради.

7. Низоларни ҳал этиш тартиби

7.1. Томонлар ушбу Шартномадан келиб чиқадиган низоларни музокаралар йўли билан ҳал этадилар. Даъвога жавоб бериш муддати — 10 (ўн) календарь куни. Даъво электрон почта орқали юборилади ва бир вақтнинг ўзида топширилгани ҳақида билдиришнома билан буюртмали хат орқали почта орқали ҳам юборилади. Агар юзага келган низони музокаралар йўли билан ҳал этишнинг иложи бўлмаса, низо Сотувчи жойлашган жой бўйича судда кўриб чиқирилиши лозим.

7.2. Томонлар ушбу Шартномадан келиб чиққан ёки унинг бажарилиши билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал этишда Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқи қўлланилишини келишиб олдилар.

8. Офертанинг бошқа шартлари

8.1. Оферта Интернет тармоғида қуйидаги манзиллар бўйича жойлаштирилган пайтдан бошлаб кучга киради: <https://shop.ravenol.uz/ru/oferta/> (рус тилида), <https://shop.ravenol.uz/uz/oferta/> (қозок тилида) ва Сотувчи томонидан Оферта қайтариб олингунига қадар амал қилади.

8.2. Сотувчининг реквизитлари:

ИП МЧЖ «MOYRAVENOL»

Rakat MFY, Qora qum ko'chasi, 3 tor ko'chasi, 3-uy

ИНН 312125422

ОКЭД 46710